

A
P 20

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
УРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
7.06.2017.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ

ФАЙЗУЛЛАЕВ БАЙРАМ АРТИКБАЕВИЧ

ТУРЛИ ТАВСИФЛИ ОБЪЕКТЛАР ҲОЛАТЛАРИНИ ТАШХИСЛАШ
МОДЕЛЛАРИ ВА АЛГОРИТМЛАРИ

05.01.02 – Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш

ТЕХНИКА ФАҲЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (РЪД)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ

ФАЙЗУЛЛАЕВ БАЙРАМ АРТИКБАЕВИЧ

ТУРЛИ ТАВСИФЛИ ОБЪЕКТЛАР ҲОЛАТЛАРИНИ ТАШХИСЛАШ
МОДЕЛЛАРИ ВА АЛГОРИТМЛАРИ

05.01.02 – Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/T40 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (узбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Каипбергенов Батирбек Тулепбергенович
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар: Бекмуратов Тулқин Файзиёвич
техника фанлари доктори, профессор, академик

Гулямов Шухрат Маннапович
техника фанлари доктори, профессор

Ётақчи ташкилот: Тошкент кимё-технология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.07.01 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил «30» ноябр соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (9/106 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2018 йил «15» ноябр да тарқатилди.
(2018 йил «18» октябр даги 11 рақамли реестр баённомаси.)



Р.Х.Хамдамов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф.М.Нуралiev
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, т.ф.д., доцент

М.А.Рахматуллаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда мураккаб тизимлар ҳолатини назорат қилиш ва ташхислаш, интеллектуаллаштириш модель ва алгоритмларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ҳамда жорий қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Бошқариш тизимларининг мураккаблашиши ва уларга талаб ортгани сайин, технологик режимлардаги оғишишларни ўз вақтида аниқлаш ва объектлар бузилиш ҳолатларининг олдини олиш масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда. Объектларда ишончлилик ва хавфсизликни таъминлаш нуқтаи назаридан иш жараёнидаги оғишишлар ва бузилишларни аниқлаш жуда муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Кўпгина хорижий мамлакатларда, жумладан, Россия Федерацияси, Хитой, Ҳиндистон, Япония, Жанубий Корея, Сингапур, Малайзия, АҚШ, Германия, Украина, Қозоғистон ва бошқа давлатларда ахборотни қайта ишлашнинг норавшан мантиқ, нейрон тармоғи ва норавшан-нейрон моделларидан фойдаланиб тизимларни назорат қилиш, ташхислаш ва интеллектуал бошқариш масалаларини ечишга катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда мураккаб бошқариш тизимларини интеллектуаллаштириш, уларнинг модель ва алгоритмларини такомиллаштириш ва катта маълумотларни қайта ишлаш алгоритмларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу соҳаларда, жумладан, учир борти ва кема бошқариш тизимлари, энергетика, кимё, биокимё ва нефть-кимёси объектлари ва бошқа тизимларда назорат, ташхислаш ва бошқаришнинг самарадорлигини ошириш имконини берадиган замонавий усуллар ва ахборот технологиялари воситалари асосида техник ташхислашнинг интеллектуал усуллари зарур ҳисобланади.

Республикамизда бу йўналишда мураккаб тизимларни ташхислаш ва бошқаришга мўлжалланган интеллектуал тизимларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...саноатни юқори технологик қайта ишлаш тармоқларини илдам ривожлантиришга йўналтирилган сифат жиҳатидан янги даражага ўтказиш йўли билан уни янада модернизациялаш ва диверсификациялаш, ... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, ... иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш»¹ вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, саноат объектлари ўзига хос тавсифларини ҳисобга олган ҳолда ташхислаш ва бошқаришда интеллектуал тизимларни такомиллаштириш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

янада- такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2014 йил 3 апрелдаги ПҚ-2158-сон «Ахборот-коммуникацион технологияларни иқтисодиётнинг реал секторига янада жорий қилиш тўғрисида»ги, 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3245-сон «Ахборот-коммуникацион технологиялари соҳасида лойиҳа бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда ушбу фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фани ва технологияларини ривожлантиришнинг IV.«Ахборотлаштириш ва ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда ташхислаш ва бошқаришнинг интеллектуал тизимлари илмий тадқиқотларнинг истиқболли йўналиши деб тан олинган. Ушбу ахборот тизимлари назарияси ва уларнинг иловалари А.Р.Алиев, А.А.Ерофеев, А.А.Жданов, В.Г.Коньков, В.М.Лохин, И.М.Макаров, Д.А.Поспелов, К.А.Пупков, В.Ю.Рутковский, Р.М.Юсупов, Y.-Z. Lu, К.М.Hangos, S.Omatu ва бошқа олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Ўзбекистонда юқори самарали интеллектуал бошқариш тизимларини ишлаб чиқишнинг назарий асосларини ривожлантиришга Ф.Б.Абуталиев, Т.Ф.Бекмуратов, Ш.М.Гулямов, Х.З.Игамбердиев, Н.Игнатъев, М.А.Исмоилов, В.К.Кабулов, М.М.Камилов, А.Р.Марахимов, Д.Т.Мухаммедиева, Р.Н.Усманов, Н.Р.Юсупбеков ва бошқа ватандош олимларимиз ўзларининг катта ҳиссаларини қўшганлар.

Замонавий ташхислаш ва интеллектуал бошқариш тизимлари соҳасида олиб борилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, мураккаб объектларнинг ҳолатини унинг турли хил тавсифларини ҳисобга олиб ташхислашда объектлар моделларининг адекватлигини ошириш ҳисобига ташхис аниқлигини ошириш мумкин бўлади. Ушбу соҳаларда назарий ва айниқса амалий ишланмаларни ишлаб чиқариш объектлари аниқ мисолларда қўлланиш энг истиқболли йўналишлардан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда турли тавсифли ишлаб чиқариш объектларини назорат қилиш, ташхислаш ва бошқариш тизимларининг модель ва алгоритмларини ишлаб чиқиш ҳамда улар асосида дастурий таъминотини яратиш етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази ва Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиали илмий-тадқиқот ишлари режасининг №А5-040-«Ишлаб чиқариш технологик мажмуаларининг диагностика бошқарув тизимлари дастурий таъминотини ишлаб чиқиш ва ҳолатларини баҳолаш усулларини такомиллаштириш» (2012-2014); №КА-5-004+(№А5-042)-«Турли тавсифли

технологик объектларни ташхисловчи интеллектуал тизимлар учун моделлар, алгоритмлар ва дастурий воситалар ишлаб чиқиш» (2015-2017) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: турли тавсифли ишлаб чиқариш объектларининг ҳолатларини ташхислаш моделлари ва алгоритмларини ҳамда дастурий мажмуасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

турли тавсифли объектлар ҳолатларини ташхислаш ва бошқарув қарорлар қабул қилиш интеллектуал тизимини ишлаб чиқиш;

кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқаришда абсорбция жараёни реакциялари оралиқ маҳсулотлари таркибини баҳолаш моделини ишлаб чиқиш;

турли тавсифли бошқариш объекти ҳолатларини норавшан-нейрон модели ёрдамида идентификациялаш моделларини ишлаб чиқиш;

турли тавсифли ишлаб чиқариш объектларининг турли ҳолатларини ташхислашнинг интеллектуал тизими модел ва алгоритмларини ишлаб чиқиш;

турли тавсифли ишлаб чиқариш объектлари ишлаш жараёнининг режими носозликларини бартараф қилиш бўйича маҳсулдор қондалар мантикий хулосаларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида турли тавсифли ишлаб чиқариш объектларини (кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқариш мисолида) ташхислаш жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предметини турли тавсифли объектларни ташхислаш моделлари ва алгоритмлари, бошқарувчи қарорлар қабул қилиш маҳсулдор қондалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида ташхислаш, бошқарув, математик моделлаштириш, идентификациялаш, классификациялаш, ҳолатларни баҳолаш, қарорлар қабул қилиш, тизимли ва интеллектуал таҳлил, ахборотни қайта ишлаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

абсорбция ва карбонизация жараёнлари реакциялари оралиқ маҳсулотлар таркибини баҳолаш математик моделлари ва алгоритмлари ишлаб чиқилган;

абсорбция жараёни температура режимларини норавшан-нейрон моделга асосланган идентификациялаш алгоритми ишлаб чиқилган;

турли тавсифли ишлаб чиқариш объектларида ҳар хил ҳолатларни ташхислаш ҳамда уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлашнинг норавшан-нейрон моделга асосланган ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилган;

кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқариш асосий жараёнларида келиб чиқадиган меъёрдан оғишишларни ва носозликларни бартараф қилишни мантикий-маҳсулий қондалари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

аналитик моделларга ва гибрид алгоритмларга асосланган абсорбция ва карбонизация жараёнлари реакциялари оралиқ маҳсулотлари таркибини баҳолаш масалаларини ечишга мўлжалланган «Кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқаришда карбонизация жараёнини моделлаштириш» дастури ишлаб чиқилган;

норавшан-нейрон ва гибрид алгоритмларга асосланган абсорбция жараёни температура режимларини идентификациялашга мўлжалланган «Кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқаришда абсорбция технологик жараёнининг температура режимларини моделлаштириш» дастурий мажмуаси ишлаб чиқилган;

турли тавсифли ишлаб чиқариш объектларида берилган меъёрлардан оғишиш ва ишлаб чиқариш тизимидаги носозликларга боғлиқ ҳолатларини аниқлаш ва бартараф қилиш алгоритмлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги масаланинг адекват қўйилганлиги, ташхислаш усуллари ва алгоритмларининг тўғри қўлланилиши ҳамда ечилган масалалар назарий ва ҳисоблаш-тажриба ишларининг мувофиқлиги ҳамда тузилган дастурларининг ишлаб чиқаришда саноат-тажриба шароитидаги натижаларига ўзаро мослиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти абсорбция жараёнининг оралиқ ва охириги маҳсулотлари таркибини баҳолашнинг математик моделлари, ташхислаш алгоритмлари ва объектнинг берилган ҳолатидан оғишишларини бартараф қилиш қондаларини ишлаб чиқишнинг назарий асосларини истиқболли ривожлантириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таклиф этилган ташхислаш, идентификациялаш ва қарорлар қабул қилиш моделлари, алгоритмларини янги ишлаб чиқариш объектларни лойиҳалашда ҳамда турдош саноат объектлари ва уларнинг қисм тизимларини бошқарувда фойдаланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот жараёнида маҳсулотлар таркибини баҳолаш математик модели, идентификациялаш ва ташхислаш алгоритмлари ва дастурий мажмуалари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

турли тавсифли объектлар ҳолатини ташхислаш ва бошқарув моделлари ва алгоритмлари бўйича «Кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқаришда карбонизация жараёнини моделлаштириш» ва «Кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқаришда абсорбция технологик жараёни температура режимларини моделлаштириш» дастурий воситаларига «UNICON.UZ» ДУК томонидан фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида хулоса берилган («UNICON.UZ» ДУКнинг 2018 йил 27 сентябрдаги хулосаси). Натижада технологик жараёнларни ташхислаш ва бошқарув бўйича қарорлар қабул қилиш вақтини

қисқартириш ва носозликларни аниқлаш аниқлигини ошириш имконини берган;

абсорбция ва карбонизация жараёнининг оралиқ ва охири маҳсулотлари таркибини баҳолаш математик модели асосида яратилган «Кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқаришда карбонизация жараёнини моделлаштириш» дастури «Кўнғирот сода заводи» унитар корхонасига абсорбция ва карбонизация жараёнларида маҳсулот таркибий концентрациясини аниқлашда жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 15 майдаги 33-8/3451-сон маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижасида абсорбция жараёнида компонентлар концентрациясини баҳолашни 8,96%га, карбонизация жараёнида 25%га ошириш имконини берган;

ишлаб чиқариш тизимида берилган меъёрлардан оғишиш ва ишлаб чиқариш тизимидаги носозликларга боғлиқ ҳолатларни моделлаштириш ва идентификациялаш алгоритмлари «Ўзбектелеком» АК «Телекоммуникация транспорт тармоғи» б-боғламаси филиалига технологик объект параметрларининг чегаравий ва меъёрий қийматларини белгилаш ва иш жараёнида келиб чиқадиган носозликларни аниқлашда жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 15 майдаги 33-8/3451-сон маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижасида тизимни тестдан ўтказиш жараёнида ишлаб чиқариш тизимидаги оғишиш ва носозликларга боғлиқ ҳолатларни моделлаштириш ва идентификациялаш алгоритмлари қўшиб ишлатилганда носозликларни аниқлаш вақтини 1,2 баробарга қисқартириш ҳамда носозликларни аниқлаш аниқлигини 3%га ошириш имконини берган;

норавшан-нейрон ва гибрид алгоритмларга асосланган абсорбция жараёни температура режимларини идентификациялаш ҳамда турли тавсифли ишлаб чиқариш объектларида турли ҳолатларни ташхислаш алгоритмлари асосида ишлаб чиқилган «Кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқаришда абсорбция технологик жараёни температура режимларини моделлаштириш» дастурий мажмуаси «Кўнғирот сода заводи» унитар корхонасига абсорбция ва карбонизация жараёнлари ҳолатини ташхислаш, берилган ҳолатдан оғишиш ва носозликларни бартараф қилишда жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 15 майдаги 33-8/3451-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида 4 ишчи оператор жойини қисқартириш ва технологик жараёнларни бошқаришда 2% ишчи кучи сарфини камайтиришга эришиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари, жумладан, 2 та халқаро ва 15 та республика илмий-амалий ва илмий-техника анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш чоп этилган бўлиб, улардан 9 та мақола ЎзР ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия

этилган илмий-нашрларда, жумладан 1 та мақола хорижий ва 8 та мақола республика журналларида нашр қилинган, шунингдек, 2 та ЭҶМ учун яратилган дастурий восита Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан расмий рўйхатга олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетдан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади шакллантирилган ва вазифалари қўйилган, тадқиқот объекти ва предмети белгилаб олинган, тадқиқот натижалари илмий янгилиги ва амалий аҳамияти аниқланган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Турли тавсифли объектларни моделлаштириш, ташхислаш ва бошқариш масалалари замонавий ҳолатини таҳлил қилиш» деб номланган биринчи боби, бешта параграфдан иборат бўлиб, ишлаб чиқариш объектини моделлаштириш, ташхислаш ва бошқариш масалалари тадқиқ қилинган, ҳолатларни ташхислаш ва қарорлар қабул қилиш усуллари таҳлил қилинган, тизимларни интеллектуаллаштиришнинг ахборотни қайта ишлаш ва бошқаришга ёндашув ва усуллари ўрганилган, турли тавсифли ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари ташхислаш ва бошқариш объекти сифатида келтирилган.

Турли тавсифли технологик объектлар сифатида бошқариш объектнинг катта ҳажмлилиги, кўп алоқалилиги, ностационарлиги, параметрларнинг тақсимланганлиги, ночизиқлилиги, ҳолатларнинг ҳар хиллиги, объект ҳолати, ташқи ва кириш таъсирлари назоратининг тўлиқ эмаслиги, мақсад, мезон ва чеклашларнинг ўзгарувчанлиги назарда тутилади. Шунингдек, ишлаб чиқариш объектини бошқаришда унинг турли тавсифларини ҳисобга олмасдан математик ифодалаш ноадекватлиги, ҳолатларни аниқ ташхислашга ва ўз-ўзидан иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашга имкон бермайди.

Турли тавсифли технологик объектлар қуйидаги ўзига-хос:

- математик ифодаланилишининг турличалиги $y = f(x, u, z, r)$, бунда r - математик боғлиқликнинг турличалигини ифодаловчи параметр;

- технологик объект умумлашган математик модели айрим бир хил модулларидан ташкил топиши;

- r -турли тавсифлиликни ифодаловчи математик боғлиқлик, Ω , кичик гуруҳига кирувчи айрим объектларнинг бир хил компонентларини математик ифодалаш усули;


- дастлабки материаллар компонентлари, моддалар таркиби ва миқдори ўзгарувчанлиги, катализаторларнинг фаол ёки фаол эмаслиги;

- кирувчи ўзгарувчилар, аппаратлар тузилиши, жараёнлар бориши технологияси ва ҳаказоларнинг турли хиллиги;
- турли ҳалақит қилувчи омиллар таъсири;
- математик ифодалашнинг мураккаблиги;
- бошқарув параметрлари ва буйруқларининг турли хиллиги каби хусусиятлари билан фарқланади.

Келтирилган тавсифлар тадқиқ қилинаётган ташхислаш ва бошқариш объекти, яъни Қўнғирот сода заводида кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқариш учун айниқса мувофиқ келади.

Диссертациянинг «Турли тавсифли объектлар ҳолатини ташхислаш ва идентификациялаш» номли иккинчи боби бешта параграфдан ташкил топган бўлиб, турли тавсифли объектларни ташхислаш интеллектуал тизими моделини шакллантириш услуби келтирилган, кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқаришда абсорбция жараёни реакциялари оралиқ моддалари таркибини баҳолаш модели келтирилган, карбонизация технологик жараёни ҳолатини баҳолаш модели ишлаб чиқилган, бошқариш объекти параметрлари ва ҳолатини идентификациялашнинг норавшан-нейрон модели, шунингдек, кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқаришда асосий технологик жараёнларни ташхислаш ва бошқариш интеллектуал тизими модели яратилган.

Турли тавсифли объектларда технологик жараёнларни ташхислаш ва бошқарув бўйича қарорлар қабул қилиш тизими функционал-тузилиш схемаси тақлиф этилган (1-расм).




1-расм. Технологик объект ҳолатини ташхислаш ва бошқарув бўйича қарорлар қабул қилиш тизими функционал-тузилиш схемаси

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, оғишишлар ва носозликларни ташхислаш ва уларни бартараф қилиш бўйича қарорлар қабул қилиш

жараёни, тўртта блокдан ва маълумотлар базасидан иборат технологик модулдан ташкил топган. Бунда оралиқ моддалар таркибини баҳолаш блоки аналитик моделдан ташкил топган, технологик жараёнлар ҳолатларини ташхислаш блоки эса ANFIS алгоритмига асосланган.

Абсорбция жараёни математик модели газдаги аралашмаларнинг суюқ ютгич томонидан шимиб олинишига асосланган. Кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқаришда ютгич, яъни абсорбент сифатида тузли эритма – натрий хлорнинг сувдаги эритмасидан фойдаланилади. Ниҳоят, жараённинг барча математик ифодалари, 2-расмда тасвирланганидек, бутун математик моделга бирлаштирилади.



2-расм. Абсорбция технологик жараёни тўла математик моделининг тасвирланиши

Танланган гидродинамик модель (кетма-кет жойлашган ячейкали ва сингдириш моделлари) асосида:

$$L(c_i^{k-1} - c_i^k) = kgaV(c_i^k - c_i^{*k}) \text{ ва } T^{k-1} - T^k = \frac{L(-\Delta M)w_r}{\omega\rho\nu_p},$$

келтириб чиқарилган кинетик боғлиқликлар:

$$\begin{cases} D_k \frac{d^2 C_k}{dl^2} = K_{mk} C_o \left[C_k - \left(\frac{C_{mk}}{C_o} \right)^2 C_{kr} \right]; \\ D_o \frac{d^2 C_o}{dl^2} = K_{mk} C_o \left[C_k - \left(\frac{C_{mk}}{C_o} \right)^2 C_{kr} \right] + K_{mk} (C_o - C_{mk}), \end{cases}$$

фазаларо мувозанат тенгламаси: $P_i^* = \bar{K}_i c_i$,

моддий ва иссиқлик баланси тенгламалари:

$$\frac{L}{G} = \frac{g_n - g_k}{c_k - c_n} \text{ ва } B = k\psi(T^* - \theta)F,$$

ҳамда чегаравий шартлар:

$$C_k = \begin{cases} C_{kn} & \text{при } l = 0, \\ C_{kr} & \text{при } l = \bar{h}, \end{cases} \text{ ва } C_o = \begin{cases} C_{on} & \text{при } l = 0, \\ C_{or} & \text{при } l = \bar{h}, \end{cases}$$

ни ҳисобга олган ҳолда, узлуксиз режимда сода ишлаб чиқаришда аммонизация жараёни математик модели:

$$\begin{cases} \frac{d^2 C_k}{dt^2} = \frac{K_{ak} C_a}{D} \left[C_k - \left(\frac{C_{ax}}{C_a} \right)^2 C_{kx} \right], \\ \frac{d^2 C_a}{dt^2} = \frac{K_{ak} C_a}{D} \left[C_k - \left(\frac{C_{ax}}{C_a} \right)^2 C_{kx} \right] + K_m (C_a - C_{ax}), \\ L = \frac{k_x a^{1'} (c_i^{t'} - c_i^t)}{c_i^{t-1} - c_i^t}, \quad c_i^{t-1} - c_i^t = \frac{R_i^* \eta_i}{kga}, \\ \frac{L}{G} = \frac{g_i - g_{i+1}}{c_{i-1} - c_i}, \quad c_i^t = \frac{v - v_i + \frac{s - s_0}{T^{*2}}}{u_a - v_k}, \\ T^{t-1} - T^t = \frac{L(-\Delta M)w_r}{\rho v \rho_p}, \quad T^{*2} = \frac{B}{k' \psi F} + \theta. \end{cases}$$

бу ерда: D_k, D_a – суюкликдаги углерод диоксида ва аммиакнинг диффузия коэффициентлари; C_k, C_a – боғланмаган углерод диоксида ва аммиакнинг концентрацияси; $K_{па}, K_{пк}$ – ионлардан NH_4OH компоненти ҳосил бўлишининг тўғри ва тескари реакциялари тезлик доимийси; l – фазалар алмашиниш юзасидан суюклик ичкарисигача масофа; $n, ж$ – фазалар алмашиниш юзаси ва суюклик асосий қисми индекслари; k' – абсорбердаги муҳит ва совитиш суюқлиги орасида иссиқлик алмашиниш коэффициенти.

Карбонизация колоннаси кинетик маълумотлар ишончлилигини баҳолаш бўйича математик модели куйидаги кўринишда берилди:

$$\begin{cases} \frac{dc_i}{dh} = \frac{S F_i - l_i F_{n_i}}{v N}, \quad \frac{dT_0}{dh} = \frac{S F_n}{v} F_n; \\ \frac{L}{G} = \frac{g_{ax} - g_{enx}}{c_{enx} - c_{ax}}, \quad i = 1..10; \\ F_n = \frac{k_2 C_4 - k_1 C_1 C_2 - 2k_3 C_1^2 C_3 + 2k_4 C_5 - k_7 C_3 C_4^2 + k_8 C_2 C_7 - k_9 C_2 C_3 C_7 + k_{10} C_6^2}{C_0}, \\ F_1 C_0 = k_2 C_4 - k_1 C_1 C_2 - 2k_3 C_1^2 C_3 + 2k_4 C_5 + k_8 C_2 C_7 - k_6 C_1 C_6; \\ F_2 C_0 = k_2 C_4 - k_1 C_1 C_2 - k_3 C_2 C_5 + k_6 C_1 C_6 + k_7 C_3 C_4^2 - k_8 C_2 C_7 - k_9 C_2 C_3 C_7 + k_{10} C_6^2; \\ F_3 C_0 = k_4 C_5 + k_3 C_1^2 C_3 - k_7 C_3 C_4^2 + k_8 C_2 C_7 - k_9 C_2 C_3 C_7 + k_{10} C_6^2; \\ F_4 C_0 = k_1 C_1 C_2 - k_2 C_4 - 2k_7 C_3 C_4^2 - k_8 C_2 C_7; \\ F_5 C_0 = k_3 C_1^2 C_3 - k_4 C_5 - k_3 C_2 C_5 + k_6 C_1 C_6; \\ F_6 C_0 = k_3 C_2 C_5 - k_6 C_1 C_6 + 2k_9 C_2 C_3 C_7 + 2k_{10} C_6^2 - k_{11} C_6 C_8 + k_{12} C_9 C_{10}; \\ F_7 C_0 = k_7 C_3 C_4^2 - k_8 C_2 C_7 - k_9 C_2 C_3 C_7 + k_{10} C_6^2; \\ F_8 C_0 = k_{12} C_9 C_{10} - k_{11} C_6 C_8; \quad F_9 C_0 = k_{11} C_6 C_8 - k_{12} C_9 C_{10}; \\ F_{10} C_0 = k_{11} C_6 C_8 - k_{12} C_9 C_{10}; \end{cases}$$

Мувоzanат доимийсининг температурага боғлиқ ўзгариши Вант-Гофф тенгламаси билан аниқланади:

$$\frac{d \ln \frac{k_1}{k_2}}{dT} = \frac{d \ln \bar{K}}{dT} = \frac{\Delta M}{RT^2},$$

бу ерда \bar{K} – мувозанат коэффиценти; k_1, k_2 – тўғри ва тескари реакциялар тезлиги доимийлари; ΔM - реакциянинг иссиқлик таъсири; T – температура, К.

Олинган \bar{K} мувозанат доимийсидан, масалан, $\text{NH}_2\text{CO}_2\text{NH}_4$ ва NH_4HCO_3 каби оралик маҳсулотлар миқдори ҳисоблаб чиқарилди.

Норавшан-нейрон умумий модели куйидаги норавшан мантикий хулоса қоидалари кўринишида берилади:

$$\bigcup_{r=1}^{k_l} \left[\bigcap_{i=1}^n (x_i = a_i^{(l,r)}) (с\text{весом } w_{l,k_l}) \right] \rightarrow (y = d_l), l = \overline{1, L},$$

бу ерда x ва y – ҳақиқий сонлар тўпламида берилган норавшан параметрлар (масалан: концентрация, қадди, сарф, ва ҳақ.), $d_l, l = \overline{1, L}$ - D терм тўпламида аниқланган y чиқувчи ўзгарувчи лингвистик баҳоси; $a_i^{(l,r)}$ - A_l терм тўпламида аниқланган r -чи қатор l -чи дизъюнкциядаги x_i кирувчи ўзгарувчи лингвистик баҳоси, $i = \overline{1, n}, l = \overline{1, L}, r = \overline{1, k_l}$; n - параметрлар сони; $w_{l,r}$ - $[0, 1]$ диапазонда $r = k_l$ рақамли мулоҳазасига эксперт ишончилиги субъектив ўлчовини тавсифловчи сон, $k_l - y = d_l, l = \overline{1, L}$ чиқувчи ўзгарувчи қийматини аниқловчи қоидалар сони.

Дифференциалланувчи «киришлар-чиқиш» муносабатларини ифодалаш учун гаусс мансублик функциясидан (МФ) фойдаланамиз:

$$\mu_{l,r}(x_i) = \exp\left(-\frac{1}{2}\left(\frac{x_i - c_i^{(l,r)}}{\sigma_i^{(l,r)}}\right)^2\right), i = \overline{1, n}, l = \overline{1, L}, r = \overline{1, k_l},$$

бу ерда: $\mu_{l,r}(x_i)$ - $A_l^{(l,r)}$ норавшан тўплами МФ ($\mu_{l,r}(x_i) = \mu_j(x_i)$ каби ифодалаймиз); $c_i^{(l,r)}$ ва $\sigma_i^{(l,r)}$ - МФ параметрлари – мос равишда максимум координатаси ва концентрация коэффиценти.

y чиқиш МФ $d_l \in [y, \bar{y}]$ ($l = \overline{1, L}$) га мос равишда куйидаги кўринишга эга бўлади


$$\mu_{d_l}(y) = \max_{r=1, k_l} \left[\min_{i=1, n} (\mu_{l,r}(x_i)) \right], l = \overline{1, L}.$$

Асосий технологик жараёнлар параметрларини ва ҳолатларини идентификациялаш учун TSK модели қўлланилган норавшан-нейрон моделидан фойдаланилди.

Технологик жараён ҳолатини ташхислаш моделини куйидаги норавшан ва лингвистик ўзгарувчилар орқали ифодалаймиз:

$$R_l : \text{ЕСЛИ } x_1 = A_1 \text{ И } x_2 = A_2, \dots, x_n = A_n \text{ ТО } D_s = D_{s,l}; s = \overline{1, S}, l = \overline{1, L}.$$

Ўргатиш жараёни ҳар бир «кириш-чиқиш» параметри учун икки босқичда ўтказилади. Биринчи босқичда тармоқ бўйича тўғри йўналтирилган сигнал бўйлаб олиб борилади. Иккинчи босқичда «оний хатолик» ҳисобланади ва тескари тартибда хатоликлар тақсимланади.




3-расм. Карбонизация колоннасида компонентлар концентрациясини баҳолаш алгоритми блок-схемаси

Диссертациянинг «Кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқариш асосий жараёнларини ташхислаш ва башоратлаш алгоритмлари» номли учинчи боби тўртта параграфдан иборат бўлиб, сода ишлаб чиқариш асосий жараёнларини моделлаштириш алгоритми ва ҳисоблаш тажрибалари натижалари, норавшан-нейрон модель асосида ишлаб чиқилган абсорбция жараёни параметрлари ва ҳолатини идентификациялаш алгоритми, турли ҳолатларни ташхислаш ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини таниб олиш алгоритми, жараёнлар боришида режимлар носозликларни бартараф қилиш учун маҳсулий қондалардан мантиқий хулосалар чиқариш учун ишлаб чиқилган алгоритм келтирилган.

Карбонизация жараёнида колонна бўйлаб суюқлик ва газдаги оралиқ ва охирги маҳсулотлар компонентлари концентрациясини башоратлаш алгоритми газ ва суюқлик сарфи ҳамда температурасини бошқаришга мўлжалланган (3-расм).

4-расмда тузли эритмада NH_4HCO_3 концентрациясининг температурага боғлиқлик графиги келтирилган.



4-расм. Тузли эритмада NH_4HCO_3 концентрациясининг температурага боғлиқлик графиги

Кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқаришнинг асосий технологик жараёнларини идентификациялаш моделини татбиқ этиш учун турли тавсифли объектлар учун такомиллаштирилган алгоритм қўлланилди ва технологик жараёнлардаги авария олди ва авария ҳолатларини ташхислаш тизими билимлар базасини шакллантиришда экспертлар билан бир қаторда ишлаб чиқилган норавшан-нейрон тармоғидан фойдаланилди, унинг ёрдамида карбонизация колоннаси бўйича статистик ахборотга ишлов берилди.

Параметрлар қийматлари учун рухсат этилган диапазонлар ва гаусс МФ терм-гўпламлари кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқаришда АДКФ бўлими регламент маълумотларига мувофиқ ҳамда ҳар бир параметрнинг мумкин бўлган оғишишнинг ўртача қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган.

D_i ($i = \overline{1,4}$) мақсадли параметрлари сифатида қуйидаги мумкин бўлган қийматлардан (технологик жараён ҳолатларидан) бири танланади:

$D =$ «колоннадаги умумий ҳолат»;

$d_1 =$ «суспензия заррачаларининг нисбий чўкиш вақти, сек.»;

$d_2 =$ «суспензия қаттиқ заррачаларининг нисбий миқдори, ум. ҳажм. %»;

$d_3 =$ «бикарбонат натрий ранги, шартли ўл. бирл.»;

$\Delta d_1 =$ «суспензия заррачалари чўкиш вақтининг ўзгариши, сек.»;

$\Delta d_2 =$ «суспензия қаттиқ заррачалари миқдори ўзгариши, ум. ҳажм. %»;

Юқоридагилар ҳисобга олинган ҳолда қуйидаги махсулдор қондалар ишлаб чиқилди:

1. АГАР $d_1 = d_{1,1}$ ВА $d_2 = d_{2,1}$ ВА $d_3 = d_{3,1}$ ВА $\Delta d_1 = \Delta d_{1,1}$ ВА $\Delta d_2 = \Delta d_{2,1}$
У ҲОЛДА $D = D_1$.

2. АГАР $d_1 = d_{1,2}$ ВА $d_2 = d_{2,2}$ ВА $d_3 = d_{3,2}$ ВА $\Delta d_1 = \Delta d_{1,2}$ ВА $\Delta d_2 = \Delta d_{2,2}$
У ҲОЛДА $D = D_2$.


...

22. АГАР $d_1 = d_{1,5}$ ВА $d_2 = d_{2,5}$ ВА $d_3 = d_{3,5}$ ВА $\Delta d_1 = \Delta d_{1,5}$ ВА $\Delta d_2 = \Delta d_{2,5}$
У ҲОЛДА $D = D_5$.

Кейин ҳар бир чиқиш параметри учун алоҳида ташхислаш моделлари яратилди ва алгоритм ҳар бир «кириш-чиқиш»ни идентификациялайди, шунингдек, дискрет чиқишли объект таснифланади (5-расм).

Технологик жараён ҳолатини баҳолаш ва қарор қабул қилиш алгоритми қуйидагича ишлайди. Агар жараён параметри $\{T_i\}$ $i = \overline{1, \dots, n}$ интервалда бўлса, у ҳолда жараённинг кейинги параметри текширилади, (бу ерда $\{T_i^N\}$ $i = \overline{1, \dots, n}$ - жараён ишлашининг меъёрий режими (ўртача интервали)ни ифодалайди). Агар жараённинг барча асосий параметрлари меъёрий режимда ишлаётган бўлса, кейинги қадамга ўтилади ва жараённи оптималъ бошқариш бўйича қарор қабул қилинади.


Диссертациянинг «Ишлаб чиқилган моделлар ва алгоритмларни ишлаб чиқариш шароитида дастурий татбиқ этиш» деб номланган тўртинчи боби тўртта параграфдан иборат бўлиб, карбонизация колоннасида оралик моддалар миқдорини аниқлашни моделлаштириш амалий дастури иши ёритилган, абсорбция жараёни параметрлари ва ҳолатини идентификациялаш алгоритмининг дастурий татбиқи амалга оширилган, Қўнғирот сода заводида асосий технологик жараёнларнинг ҳолатини ташхислаш дастури тестдан ўтказилган ҳамда ишлаб чиқариш шароитларида оғишишлар ва носозликларни бартараф қилиш бўйича қарорлар қабул қилишда дастурлар мажмуасини амалга ошириш натижалари келтирилган.



5-расм. ANFIS модель асосида карбонизация колоннаси ҳолатини ташхислаш учун норавшан-нейрон тармоғи алгоритми блок-схемаси

Берилган алгоритм асосида C# тилида жараён боришида суюкликда оралик ва охириги компонентлар концентрацияларини башоратлаш учун мўлжалланган дастур (6-расм) ишлаб чиқилган.

Суюqlik карбонизацияси	Ораги карбонизацияси
y(1,1) 0,026849	y(1,1) 0,773359
y(1,2) 0,70421	y(1,2) 0,023
y(2,1) 0,020059	y(2,1) 0,017688
y(2,2) 0,004971	y(2,2) 0,185927
y(2,3) 0,03085	y(2,3) 0,128373
y(2,4) 0,708797	y(2,4) 0,14145325
y(2,5) 0,1704227	y(2,5) 0,0480289
y(2,6) 0,0223495	y(2,6) 0,084083
y(2,7) 0,02547887	y(2,7) 0,4289
	y(3,1) 0,0268
	y(3,2) 0,0294
	y(3,3) 0,517




6-расм. «Кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқаришда абсорбция ва карбонизация жараёнларини моделлаштириш» дастурий мажмуаси

Ушбу дастур тизим гидродинамик ва кинетик ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда, суюқлик ва газ фазалари температураси ва сарфини бошқаришга мўлжалланган.

Ишлаб чиқилган «Кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқаришда абсорбция ва карбонизация жараёнларини моделлаштириш» дастури уч асосий ва қўшимча битта ойначалардан иборат. Ҳар бир ойнада ишлаб чиқариш жараёнида газ ва суюқликдаги компонентлар (аммиак, карбонат ангидрид ва натрий хлорид ва хоказо) концентрациялари, колонна температураси ва босими, газ ва суюқлик сарфи, тарелкалар сони каби ўлчанган ва регламентда берилган қийматлар акс эттирилади.

Абсорбер температурасини идентификациялаш алгоритми C++ Builder дастурлаш тилида амалга оширилди.

7-расмда сода ишлаб чиқаришда ҳақиқий технологик абсорбция жараёнида ўлчанган (пунктир чизик) ва норавшан-нейрон модель асосида ишлаб чиқилган дастур ёрдамида абсорбция технологик жараёнини идентификациялашдан олинган (узлуксиз чизик) натижалар келтирилган.



7-расм. Абсорбция колоннаси чиқишида аммонизацияланган тузли эритма температурасини ишлаб чиқилган ННМ асосида идентификациялашдан олинган ва ҳақиқий жараён билан таққосланган маълумотлари (дастур интерфейсидан олинган натижа)

Карбонизация жараёни ҳолатини ташхислаш учун дастур оператор учун қулай ва интерактив режимда ишлаш, зарурат туғилса: ташхисланаётган жараённинг жорий ҳолати ҳақидаги маълумотларни мониторга чиқариш; билимлар базасидаги норавшан маҳсулотларни тузатиш; билимлар базасига турли типдаги (технологик параметрлар шкалалари, ўрнатма қийматлари ва хоказо) ахборотни жойлаш учун имкон беради.

Технологик жараёнлардаги бузилишларнинг олдини олиш ва носозликларни бартараф қилиш бўйича қарорлар қабул қилиш алгоритми маҳсулдор хулосалар ва ишлаб чиқилган қондаларга асосланиб шакллантирилган.

Карбонизация колоннасини бошқариш норавшан моделидан олинган параметрлар қийматларини таҳлил қилиб, бир моделлаштириш циклида RMSE ўртача қиймати берилган шартни қаноатлантириши ва 2,4% дан ошиб кетмаслигини таъкидлаймиз. Шу билан бирга, айрим мисолларда RMSE қиймати чегаравий қийматдан 6,4% га ошиб кетади, масалан, RMSE нинг энг катта қиймати 0,064 ни ташкил этди.

ХУЛОСА

«Турли тавсифли объектлар ҳолатларини ташхислаш моделлари ва алгоритмлари» мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Технологик жараёнларни ташхислаш ва бошқарув бўйича қарорлар қабул қилиш тизимининг функциональ-тузилиш схемаси синтезланди. Унинг мавжуд тизимлардан афзаллиги шундан иборатки, у аввал тизимни ташхислаб, кейин бошқарув бўйича қарорлар қабул қилади ва бу эса қабул қилинган қарорларнинг аниқлигини оширишга хизмат қилади.

2. Карбонизация ва абсорбция жараёнларининг, оралик моддалар концентрацияси ва температура режимини ҳисобга олган ҳолда, якуний маҳсулот ҳолатини сифат ва миқдор жиҳатдан баҳолашга ёрдам берадиган аналитик модели ишлаб чиқилди. Ушбу модель мавжуд моделларга нисбатан моделлаштиришни аниқ амалга ошириш имконини беради.

3. Норавшан-нейрон модел ва TSK такомиллаштирилган алгоритминини қўлланиш асосида турли тавсифли объектларни идентификациялаш алгоритми ишлаб чиқилди. Унинг қўлланилиши маъқуллиги тажриба усулида исботланган. Ушбу алгоритмдан фойдаланиш жорий ташхислаш объектининг бўлиши мумкин бўлган турли ҳолатларини моделлаштиришга имкон берувчи оралик параметрларни сифатли идентификациялашга хизмат қилади.

4. ANFIS алгоритми асосида, мумкин бўлган оғишишларни олдиндан аниқлаш ва турли носозликларни бартараф қилиш имконини берувчи, кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқариш асосий жараёнларини ташхислаш модели ва алгоритми ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган модел ва алгоритмлар ташхислаш вақтини қисқартириш ва аниқлигини ошириш имконини беради.

5. Жараёнлар боришида кирувчи параметрлар ўзгариши билан носозликлар ошиб бориш эҳтимолигини дастлабки босқичда адекват баҳолаш ва реал вақт режимида бузилишлар режимларини бартараф қилишга мўлжалланган маҳсулий қондалар ишлаб чиқилди. Улар асосида «юмшоқ» қарорлар қабул қилинади ва бунинг натижасида ташхислаш ва қарор қабул қилиш вақтини қисқартиришга хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.07.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**НАУЧНО-ИННОВАЦИОННЫЙ ЦЕНТР ИНФОРМАЦИОННО-
КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

ФАЙЗУЛЛАЕВ БАЙРАМ АРТЫКБАЕВИЧ

**МОДЕЛИ И АЛГОРИТМЫ ДИАГНОСТИРОВАНИЯ СОСТОЯНИЯ
ОБЪЕКТОВ С НЕОДНОРОДНЫМИ ХАРАКТЕРИСТИКАМИ**

05.01.02 - Системный анализ, управление и обработка информации

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2017.1.PhD/Г40.

Диссертация выполнена в Научно-инновационном центре информационно-коммуникационных технологий при Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tuit.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Каипбергенов Батырбек Тулепбергенович
доктор технических наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты: Бекмуратов Тулкин Файзиевич
доктор технических наук, профессор, академик

Гулямов Шухрат Маннапович
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация: Ташкентский химико-технологический институт

Защита диссертации состоится «30» ноября 2018 г. в 16⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий (Адрес: 100202, г.Ташкент. ул.Амира Темура, 108. Тел: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (зарегистрирована за №7/106). (Адрес: 100202, г.Ташкент. ул.Амира Темура, 108. Тел: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан «15» ноября 2018 года.
(протокол рассылки № 11 от «18» октября 2018 года.)



Р.Х.Хамдамов
Член-корреспондент научного совета по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

Ф.М.Нуралиев
Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, д.т.н., доцент

М.А.Рахматуллаев
Член-корреспондент научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире большое внимание уделяется разработке, совершенствованию и практическому применению моделей и алгоритмов интеллектуализации, контроля и диагностики состояний сложных систем. Задачи своевременного обнаружения отклонений технологических режимов и локализации нарушенных состояний объектов приобретает все большее значение с ростом уровня сложности систем управления и повышения требований к ним. Обнаружение отклонений и нарушений в функционировании объектов очень важно с точки зрения обеспечения их надежности и безопасности. Во многих зарубежных странах, в том числе в Российской Федерации, Китае, Индии, Японии, Южной Корее, Сингапуре, Малайзии, США, Германии, Украине, Казахстане и других странах, большое внимание уделяется решению задач контроля, диагностирования и интеллектуального управления системами с использованием нечеткой логики, нейронных сетей и нечетко-нейронного моделирования.

В мире ведутся научно-исследовательские работы ориентированно по интеллектуализацию сложных систем управления, совершенствованию их моделей и алгоритмов и разработке алгоритмов обработки больших данных. Интеллектуальные методы технической диагностики на основе современных способов и средств информационных технологий особо востребованы, так как позволяют повысить эффективность контроля, диагностирования и управления в различных отраслях: в бортовых летательных и судовых системах управления, в системах управления энергетическими, химическими, биохимическими и нефтехимическими объектами и других системах.

В нашей республике в этом направлении особое внимание уделяется разработке интеллектуальных систем диагностирования и управления сложными системами. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017–2021 гг. определены задачи, в том числе “... дальнейшая модернизация и диверсификация промышленности путем перевода ее на качественно новый уровень, направленные на опережающее развитие высокотехнологичных обрабатывающих отраслей ..., ... сокращение энергоемкости и ресурсоемкости экономики, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий, ... внедрение информационно-коммуникационных технологий в экономику, социальную сферу, системы управления”¹. Осуществление указанных задач, в частности совершенствование интеллектуальных систем диагностирования и управления промышленными объектами с учётом характеристических особенностей, считается одной из важных задач.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. №УП-4947 «О мерах по дальнейшей реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»

выполнению задач, вредоусмотренных Указами Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №УП-5349 от 19 февраля 2017 г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию сферы информационных технологий и коммуникаций», постановлениями Президента Республики Узбекистан №ПП-2158 от 3 апреля 2014 г. «О мерах по дальнейшему внедрению информационно-коммуникационных технологий в реальном секторе экономики», №ПП-3245 от 29 августа 2017 г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы управления проектами в сфере информационно-коммуникационных технологий», и другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной отрасли.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики IV. «Развитие информатизации и информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. Интеллектуальные системы диагностирования и управления сегодня общепризнаны как перспективное направление научных исследований. Теория этих информационных систем и их приложения отражены в трудах А.Р.Алиева, А.А.Ерофеева, А.А.Жданова, В.Г.Конькова, В.М.Лохина, И.М.Макарова, Д.А.Поспелова, К.А.Пупкова, В.Ю.Рутковского, Р.М.Юсупова, Y.-Z.Lu, K.M.Hangos, S.Omatu и др.

В Узбекистане большой вклад в разработку высокоэффективных интеллектуальных систем управления внесли отечественные учёные Ф.Б.Абуталиев, Т.Ф.Бекмуратов, Ш.М.Гулямов, Х.З.Игамбердиев, Н.А.Игнатъев, М.А.Исмоилов, В.К.Кабулов, М.М.Камилов, А.Р.Марахимов, Д.Т.Мухаммедиева, Р.Н.Усманов, Н.Р.Юсупбеков и др.

Проведенный анализ современного состояния исследований в области разработок и внедрении интеллектуальных систем диагностирования и управления состояниями объектов с учётом неоднородных характеристических особенностей показывает, что повысить точность и качество диагностики можно за счёт повышения адекватности моделей объектов. В этой области реализация теоретических идей и особенно прикладных разработок на конкретных примерах производственных объектов является одним из наиболее перспективных направлений исследования. В настоящее время недостаточно глубоко изучена проблема разработки моделей и алгоритмов системы и на их основе построение программного обеспечения контроля, диагностирования и управления производственными объектами с неоднородными характеристиками.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках научных проектов плана научно-исследовательских работ Научно-инновационного центра информационно-коммуникационных технологий при

ТУИТ и Нукусского филиала ТУИТ по следующим темам: №А5-040 – «Разработка программных средств и совершенствование методов оценки состояний диагностических систем управления производственными технологическими комплексами» (2012–2014) и №КА-5-004+(№А5-042) – «Разработка моделей, алгоритмов и программных средств для интеллектуальной системы диагностики технологических объектов с неоднородными характеристиками» (2015–2017).

Целью исследования является разработка моделей и алгоритмов диагностирования производственных объектов с неоднородными характеристиками, а также их программная реализация.

Задачи исследования:

разработка интеллектуальной системы диагностирования состояний и принятия управленческих решений в объектах с неоднородными характеристиками;

построение модели оценки содержания промежуточных веществ реакции процесса абсорбции в производстве кальцинированной соды;

разработка модели состояния объекта управления с неоднородными характеристиками с помощью нечетко-нейронной модели;

разработка модели и алгоритма интеллектуальной системы диагностирования различных ситуаций производственных объектов с неоднородными характеристиками;

разработка логического вывода производственных правил по предотвращению нарушений режимов ведения процессов на производственных объектах с неоднородными характеристиками.

Объектом исследования являются процессы диагностирования производственных объектов с неоднородными характеристиками (на примере производства кальцинированной соды).

Предмет исследования составляют модели и алгоритмы диагностики, производственные правила принятия управленческих решений.

